

№42
(1476)
2023-YIL
2-NOYABR

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



t.me/uzbekistondasog'liqniqaqlash

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

ХАЙЪАТ ЙИГИЛИШИ

МАҚСАДЛИ ВАЗИФАЛАР – ФАОЛИЯТНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИДИР

*“Ўзбекистон–2030” стратегиясидаги
вазифалар соғлиқни сақлаш тизимида
қандай ижро этилади?*

Кунни кеча Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдаги Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик марказий аппарати ходимлари, ихтисослаштирилган марказлар, республика даволаш муассасалари ва тиббиёт олий ўқув юрглари раҳбарлари, шунингдек, жойлардаги студиялардан барча ҳудудий бошқармалар ҳамда туман тиббиёт бирлашмалари масъуллари иштирок этди. Йиғилиш кун тартибидagi дастлабки масала – дав-

латимиз раҳбарининг тегишли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон-2030” стратегиясини сифатли ва ўз вақтида амалга оширишга доир чора-тадбирлар ва вазифалар юзасидан Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов маъруза қилди. Қайд этилганидек, мазкур ҳужжатдан аҳоли саломатлигини таъминлаш билан боғлиқ 9 та устувор масала ўрин олагна. Улардан биринчиси: аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини 78 ёшга



етказишга қаратилган. Бунинг учун тиббиётга йўналтирилган маблағлар ҳажмини 2 баробарга ошириш, онкология, юрак-қон томир, диабет ва

нафас йўллари касалликлари бўйича эрта ўлимни 2,5 баробар камайтириш, сил хасталиги билан касалланиш даражасини 100 минг аҳолига нисбатан хо-

зирги 34 нафардан кескин камайтириш кўзда тутилган.

Давоми 2 - бетда ▶

“ЎЗБЕКISTON ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

ТАНҚИД ВА ТАҲЛИЛ – ТИЗИМ РИВОЖИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ



Яқинда Қашқадарёда вилоят ҳокими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов иштирокида тиббиёт тизимида доир танқидий йиғилиш бўлиб ўтди. Хабарингиз бор, шу йил 24-25 октябрь кунлари Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ислохотларнинг бориши, ҳудудлар ривожини ҳамда аҳоли турмуш тарзи билан яқиндан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятида бўлиб қайтганди. Сафар давомида давлатимиз раҳбари таълим ва тиббиёт муассасалари ва маҳаллаларга ташириф буюриб, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Давоми 2 - бетда ▶

XII ХАЛҚАРО ИБН СИНО ҲАМНАМА

БУЮК АЛЛОМА МЕРОСИГА БЎЛГАН ЮКСАК ЭҲТИРОМ

2023 йилнинг 26-28 октябрь кунлари Ибн Сино жамоат фонди, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти ҳамда Ўзбекистон фармацевтика саноатини ривожлантириш агентлиги томонидан буюк аллома, тиббиёт илмининг асосчиси ва мутафаккири Абу Али ибн Сино ватани Бухоро шаҳрида “Абу Али ибн Сино ва цивилизацияси” мавзусидаги XII Халқаро Ибн Сино ўқишлари – илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.



Давоми 4, 5 ва 8 - бетларда ▶

ХАЙЪАТ ЙИГИЛИШИ

МАҚСАДЛИ ВАЗИФАЛАР – ТИЗИМ ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИДИР

← Давоми. Боши 1-бетда

Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштиришга доир **иккинчи мақсадга** кўра: 350 минг нафар диабет ва 1,5 миллион юрак-кон томир касаллиги бор беморларни даволаш билан тўлиқ қамраб олиш, тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг 70 фоиз мурожаатларини бирламчи бўғиннинг ўзида ҳал этишга эришиш, беморларни гемодиализ ўрин-жойлари билан тўлиқ қамраб олиш белгиланган. **Учинчи мақсад:** болалар ўртасидаги ирсий касалликларни 2 баробарга қисқартириш, чақалокларда бундай хасталиклар бўйича селектив скрининг текширувлар камровини камида 50 фоизга оширишни назарда тутди. **Тўртинчи устувор мақсад:** оналар ва болалар ўлимини қисқартириш, соғлом болаликни таъминлашга доир қатор чора-тадбирларни ўз ичига олади. **Бешинчи мақсад:**

онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва ўлим кўрсаткичини камайтиришдан иборат. **Олтинчи устувор мақсад:** ижросида юқумли бўлмаган касалликларни эрта аниқлаш даражасини 70 фоизга етказиш, 40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли орасида қандли диабет ва артериал гипертензия касалликларининг эрта босқичида аниқлаш кўрсаткичини 2 баробарга оширишга алоҳида эътибор қаратилади. **Еттинчи мақсад:** “Соғлом ва фаол кексаликни таъминлаш” деб номланган. Ундан ҳар йили 55 ва бундан катта ёшдаги аҳолини 100 фоиз тиббий профилактик кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш, 40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли орасида жисмоний фаол аҳоли улушини 2 баробар оширишга доир чора-тадбирлар ўрин олган. **Саккизинчи мақсадда:** аҳоли орасида тўғри овқатланиш



ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга оид қатор вазифалар устуворлик қилади. **Тўққизинчи мақсад:** асосида эса юртимиздаги тиббиёт муассасаларини рақамлаштириш даражаси 100 фоизга етказилади. Вазир йиғилишда ана шу устувор мақсадлар доирасида белгиланган вазифалар

ҳақида тўхталди. Шунингдек, мажлисда Президентимизнинг соҳага доир фармон ва қарорларидаги топшириқлар ижро ҳолати ҳам муҳокама қилинди. Вазир ўринбосарлари ва тегишли бошқарма бошлиқлари чиқишларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни му-

стаҳкамлаш, тиббий таълимдаги ислохотлар, “Яшил макон” умумиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар, соҳани молиялаштиришни трансформация қилиш ҳамда мақбуллаштириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари хусусида сўз борди.

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

ТАНҚИД ВА ТАҲЛИЛ – ТИЗИМ РИВОЖИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ



← Давоми. Боши 1-бетда

Унда кўплаб соҳалар қатори тиббиётни аҳолига яқинлаштириш, соҳа олдида турган муҳим масалаларни ҳал этиш бўйича қатор вазифаларни ўртага ташлади. Бугун Қашқадарёда вилоят ҳокими М. Азимов ва Соғлиқни сақлаш вазири А. Иноятов иштирокида Президентимиз томонидан белгилаб берилган ушбу топшириқлар ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Танқидий ва таҳлилий руҳда ўтган мажлис аввалида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ҳақида сўз юритилиб, унинг механизмлари ва мазмун-моҳиятини масъуллар ҳамда аҳолига етказиш, ҳар бир топшириқни тўлиқ амалга ошириш зарурлиги алоҳида

қайд этилди. Шу ўринда айтиш лозим, бугун Қашқадарё вилоятидаги мавжуд 2 та шаҳар ва 14 та туманда 3,5 миллион нафар аҳоли истиқомат қилади. Худудда айти пайтда 319 та давлат тиббиёт муассасаси, жумладан, 19 та вилоят даволаш маскани, 16 та туман-шаҳар тиббиёт бирлашмаси, 82 та оилавий поликлиника, 103 та оилавий шифокорлик пункти ва 95 та маҳалла тиббиёт пункти фаолият юритмоқда. Кейинги йилларда вилоятда тиббий хизматлар сифати ва камровини ошириш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Бирок, соҳада ечимини кутаётган масалалар талайгина. Мисол учун, жорий йилда рўйхатга олинган 1,6 минг нафар беморнинг 979 нафарида онкологиянинг кечки босқичи аниқланган. Қолавер-

са, айти пайтда худуд аҳолисининг 42 фоизиди ор тик қча вазн муаммоси сабаб, юрак қон-том и р ва қандли диабет билан касалланишлар сони ортган. Президентимиз Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида бу ҳолатдан ташвишланиб, одамлар орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш, вилоятда соғлиқни сақлаш тизими салоҳиятини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Йиғилишда вазир маз-

кур масалага тўхталар экан, бунинг учун, энг аввало, аҳоли орасида тўғри ва соғлом овқатланишни йўлга қўйиш, ҳар бир инсоннинг ўз саломатлигига масъулигини ошириш ва бу борада тиббиёт ходимлари ҳамда соҳа масъуллари халққа энг яқин кўмакчи ва суянч бўлиши лозимлигини қайд этди. Шунингдек, сурункали касалликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, бунинг учун воҳа аҳли орасида соғлом турмуш тарзини кенг йўлга

қўйиш ҳамда соғлом ва фаол кексаликни таъминлаш, кадрлар таъминоти ва уларнинг салоҳиятини ошириш борасида бир қатор муаммолар танқидий таҳлил этилиб,

бу бўйича тиббиёт ходимлари олдида аниқ вазифалар белгилаб берилди. Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш, оналар ва болалар ўлимини қисқартириш, болалар ўртасидаги ирсий касалликларнинг олдини олиш ҳамда даволаш самара-

дорлигини ошириш борасида ҳам қатор масалалар агрофлича муҳокама этилиб, мазкур йўналишда камчиликларга йўл қўйган масъуллар жиддий огоҳлантирилди. Шу билан бирга, соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, вилоят аҳолисини энди навбат кутиб, қўшни Самарқанд ёки пойтахт ёки чет элларга даволаниш учун боришларининг олдини олиш мақсадида тезкорлик билан қисқа муддатли аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Бундан ташқари, 2024 йил – Қашқадарёда сифатли тиббиёт ва таълим йили деб эълон қилинганлиги ва бу тизимдаги барча ходимларнинг ҳаётий шиорига айланиши ҳамда улар зиммасига катта масъулият юклаши айтиб ўтилди. Мажлисда Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига янги раҳбар тайинланди. Ушбу лавозимга бугунга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлиги котибиятида бош мутахассис сифатида ишлаб келган Алишер Бобоев тайинланди.

Вазир янги раҳбарнинг Президентимиз томонидан вилоятда тиббиёт тизимини ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазифаларни ўз вақтида тўла-тўқис амалга оширишда фаол билан аҳоли саломатлигини таъминлашда ташаббускор бўлишига ишонч билдирди.

@ssvuz

Қашқадарё вилоятининг 2 та шаҳар ва 14 та туманида 3,5 миллион нафар аҳоли яшайди. Худудда 319 та давлат тиббиёт муассасаси, 19 та вилоят даволаш маскани, 16 та туман-шаҳар тиббиёт бирлашмаси, 82 та оилавий поликлиника, 103 та оилавий шифокорлик пункти ва 95 та маҳалла тиббиёт пункти фаолият юритмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН-БЕЛАРУСЬ

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ҚАРАТИЛГАН ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Беларусь Республикаси делегацияси вакиллари билан учрашув ўтказди.

Унда ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Леонид Маринич, Беларусь Республикаси Миллий Кенгаши Вакиллар палатасининг хориждаги беларуслар ишлари бўйича Парламент гуруҳи раҳбари Валентина Ражанец, мазкур палатанинг Спорт, соғлиқни сақлаш, маданият, оила ва ёшлар масалалари бўйича Парламент комиссияси раиси, профессор Людмила Макарина-Кибак иштирок этди.

Мулоқот аввалида меҳмонларга кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида маълумот берилди. Ўз навбатида, Беларусь делегацияси вакиллари ўз мамлакатида она ва бола саломатлиги-

ни муҳофаза қилиш бўйича эришилган ютуқлар хусусида сўзлаб берди. Маълумки, Беларусь оналар ва гўдаклар ўлими кўрсаткичи энг паст давлатлардан бири. Бу ерда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича тақомиллашган меъёрий-ҳуқуқий база шакллланган, кадрларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилган. Шундан келиб чиқиб, учрашувда Қашқадарёда барпо этилган Она ва бола саломатлиги тиббиёт маркази фаолиятига Беларусь бошқарув тизимини жорий этиш масаласи кўриб чиқилди. Бунинг учун Беларусь Она ва бола саломатлиги илмий-амалий марказининг мутахассисларини жалб қилишга келишиб олинди.

Шунингдек, меҳмонлар бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, шу жумладан Ўзбекистон соғлиқни сақлаш кодексини ишлаб чиқишда яқиндан ёрдам беришга тайёрлигини билдирди. Кун тартибидан ўрин олган яна бир масала – бирламчи бўғинда меҳнат қилаётган аку-

шерларни Беларусь таълим стандартлари асосида ўқитиш бўлди. Бу борада эришилган келишувга кўра, дастлабки босқичда Қашқадарё вилоятида бирламчи амбулатор тизимда фаолият юритаётган 900 нафар доя халқаро протоколлар асосида миллий мақсадлар ва демографик вазиятни ҳисобга олган ҳолда ўқитилади.

Яқуний имтиҳон чет эллик экспертлар томонидан қабул қилиниб, ундан муваффақиятли ўтганлар халқаро сертификатга эга бўлади. Мулоқот давомида шу йил 13-24 ноябрь кунлари мамлакатимизда ўтказилиши режалаштирилган Беларусь тиббиёти кунларига тайёргарлик кўриш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Мазкур акция доирасида дўст мамлакатдан юртимизга болалар онкогематологияси, кардиология, онкология, неонатология каби йўналишлар бўйича етакчи мутахассислар иштирокида ҳудудларда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари,



маҳорат дарслари, консилиум ва семинарлар ташкил этилади.

Қолаверса, ана шу акциянинг мантиқий давоми сифатида ноябрь ойи якунида Минск шаҳрида Ўзбекистон – Беларусь тиббиёт форуми ўтказилади. Икки давлат ўртасидаги тиббий ҳамкорликни мулақо янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган ушбу нуфузли тадбирга юртимиздаги ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари раҳ-

барлари ташриф буюриши кутилмоқда.

Ўзaro ҳамкорлик алоқаларини туман даражасида ривожлантириш мақсадида форумда туман тиббиёт бирлашмалари масъуллари, шунингдек тиббиёт техникумлари ва тиббий олийгоҳлар раҳбарлари ҳам иштирок этади.

Тадбир якунида ўзaro манфаатли қатор меморандум ва келишувлар имзоланиши кўзда тутилган.

@ssvuz

АМАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

МАСЪУЛИЯТ, БИЛИМ, ТАЖРИБА ВА ТАШАББУСКОРЛИК ЗАРУР



Самарқандда вилоят ҳоқими Эркин Турдимов ва Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов иштирокида ўтган йиғилишда тиббиётни трансформация қилишга доир устувор вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон тиббиётида кенг қўламли трансформация жараёнлари бошланган. Соҳа энг илғор ёндашувлар асосида ислох қилинмоқда. Даволаш-профилактика муассасаларида инновацион диагностика ва даволаш усуллари жорий этиляпти. Янги ланишлардан кўзланган мақсад малакали тиббий хизматни аҳолига янада яқинлаштириш, халқни рози қилишдан иборат. Давлатимиз раҳбари томонидан соҳа мутасаддилари олдига қўйилган устувор талаб шундай.

Бугун Самарқандда вилоят ҳоқими Эркин Турдимов ҳамда Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов бошчилигида ўтказилган йиғилиш Президентимиз томонидан мазкур йўналишда белгилаб берилган вазифалар

ижросига бағишланди. Мажлисида қайд этилганидек, ҳозир вилоятда истиқомат қиладиган 4 млн. 118 минг нафардан зиёд аҳолига соғлиқни сақлаш тизимидаги 338 та даволаш-профилактика муассасаси томонидан тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Уларда жами 8 минг нафардан ортиқ шифокор ва 30 минг нафарга яқин ҳамшира фаолият олиб борапти. Шу йилнинг ўтган 9 ойида ҳудудда 12 та оилавий шифокор пункти, 5 та оилавий поликлиника ва 30 та маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилди. Натижада 850 минг нафар аҳолига бирламчи тиббий хизмат яқинлаштирилди. Улар қошида очилган 2100 ўринли кундузги стационарларда 70 мингга яқин бемор ўз саломатлигини тиклаш имко-

нига эга бўлди. Вилоятда жорий этилган 160 турдаги юқори технологик – лапароскопик, торакокопик ва эндоваскуляри жарроҳлик амалиётлари орқали 5000 мингга яқин бемор оғир хасталиклардан халос бўлди. Жумладан, Самарқандда илк бор ўзак хужайраси кўчириб ўтказиш операцияси муваффақиятли бажарилди. Шунингдек, 52 нафар беморда буйрак, 1 нафарида жигар трансплантацияси амалга оширилди. Ўз навбатида, вилоят даволаш-профилактика муассасалари томонидан туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг ўзида 1397 нафар беморда юқори технологик амалиётлар ўтказилди. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 17 турдаги асбоб-ускуналар харид қилиниб, иммуногенетик лаборатория ташкил этилди. Катталарда 3013 та, болаларда 405 та очик юракда юқори технологик жарроҳлик муолажалари бажарилди.

Президентимиз ташаббуси билан ажратилган маблағлар

ҳисобидан вилоят бўйича 286 нафар беморда (145 нафари болалар ва 141 нафари катталар) юқори технологик операциялар ўтказилди. Ҳудудда тиббий хизмат сифатини юксалтириш учун 100 нафарга яқин шифокор Германия, Туркия, Россия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур, Саудия Арабистони каби қатор давлатларнинг нуфузли клиника ва университетларида малака ошириб қайтди. Ана шундай изланишлар натижасида Самарқандда тиббиёт соҳасига робот технологиялари кириб келмоқда. Келгуси йилда касалликларни эрта босқичларда аниқлаш даражасини 70 фоизга етказиш, хасталиклар асоратларини 50 фоизга камайтириш мақсад қилинган. Бинобарин, вилоят муассасаларида яна 50 турдаги илғор даволаш усуллари жорий қилиш режалаштирилмоқда.

Танқидий-тахлилий руҳда ўтган йиғилишда бу борадаги ишларни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда тизимли давом эттириш,

тизимдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни самарали ҳал этиш учун юксак билим ҳамда тажрибага эга, ташаббускор ҳамда фидойи кадрларга эҳтиёж катталиги қайд этилди. Мажлисида шу кунгача Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари сифатида ишлаб келган Сухроб Зайниев бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи этиб тайинланди. Шунингдек, Домиёр Асадов бошқарма бошлиғининг тиббий ёрдамни ташкиллаштириш бўйича биринчи ўринбосари вазифасини бажарадиган бўлди.

Вазир янги раҳбарлар олдига Самарқандда тиббиётни янада ривожлантириш, вилоятнинг ўзида энг мураккаб ва ноёб жарроҳлик амалиётларини йўлга қўйиш, малакали тиббий хизматни чекка ва олис ҳудудлардаги хонадонларгача олиб кириш билан боғлиқ устувор вазифаларни белгилаб берди.

@ssvuz

XII ХАЛҚАРО ИБН СИНО ҲҚИШЛАРИ

БУЮК АЛЛОМА МЕРОСИГА**Ушбу тадбирда 20 та хорижий давлат вакиллари ва**

Анжуман иштирокчилари тадбир аввалида Афшона шаҳридаги Абу Али ибн Сино ҳайкали пойига гуллар қўйиб, буюк алломага ҳурмат бажо келтиришди. Сўнгра, иштирокчилар тиббиёт илмининг асосчиси, буюк алломанинг музейига таширф буюрдилар. Биз хорижий давлатлардан келган меҳмонларнинг музейдаги қарашларини кузатар эканмиз, улардаги бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ҳаёти, фаолияти ва тиб илми йўлидаги олиб борган ишлари ҳамда беморларни даволашда қўллаган тиббий асбоб-ускуналар ҳамда тиб асарларига қизиқиш билан эътибор берганликларни бизни қувонтирди. Шунингдек, иштирокчилар томонидан буюк алломанинг руҳига Қуръон тиловат қилинди.



Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, анжуман Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институтида бўлиб ўтди. Эътирофлиси шундаки, тадбир иштирокчилари аввало, ушбу олий таълим даргоҳига кириб борар эканлар, замон талаблари даражасида янгидан бунёд этилган институтнинг табиат манзаралари ҳамда ташқи кўриниши барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Бунинг баробарида институт ховлисидаги Абу Али ибн Сино ҳайкали ҳам ўзгача файз билан иштирокчилар диққатини ўзига мафтун этди. Тадбир олди-дан иштирокчилар янгидан бунёд этилган замонавий институтда талабалар ва профессор ҳамда ўқитувчилар учун яратилган кенг имкониятлар билан яқиндан танишдилар. Сўнгра, Ибн Сино жамоат фонди томонидан матбуот анжумани ҳам ўтказилди.

монлар сўзга чиқиб, анжуманнинг мазмун ва моҳияти ҳамда буюк аллома Абу Али ибн Синога бўлган юксак эҳтиромларини изҳор этдилар.

Тадбирдан кўзланган мақсад – жаҳон тиббиёти, юртошларимиз, айниқса, ёшлар тарбиясига бекиёс ҳисса қўшган табиб, олим ва файласуф Абу Али ибн Синонинг инсониятга қолдирган бой меросини чуқур ўргаш-



Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятовнинг анжуман иштирокчиларига самимий табриги ўқиб эшиттирилди. Анжуман ўз ишини бошлар экан, Ибн Сино жамоат фонди бошқаруви раиси Нозимхон Маҳмудов тадбирни кириш сўзи билан очди. Сўнгра Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти ректори Шухрат Тешаев ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган меҳ-

ниш ва кенг тарғиб қилиш, ўзининг маънавий-маърифий меросидан келиб чиқиб, чет эл фуқароларининг ана шу умуминсоний мероси билан кенг таништириш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада фаоллаштиришдан иборат бўлди. Айтиш лозимки, навбатдаги анжуман ниҳоятда кенг аудиторияда ўтказилди. Жумладан, халқаро ўқишнинг асосий илмий йўналишлари куйидагилардан, яъни "Абу Али ибн Сино: Ўзбекистон ва жаҳон, Абу Али ибн Сино меросининг фан ва цивилизация ривожигаги ўр-

ни. Ибн Сино таълимоти замонавий фармация ривожига Абу Али ибн Сино ва анъанавий халқ табobati, Абу Али ибн Сино меросининг табиий фанлар тараққиётидаги ўрни, Абу Али ибн Сино меросининг аниқ фанлар ривожигаги роли, Ижтимоий-гуманитар фанлар ривожига Абу Али ибн Сино меросининг ўрни" мавзуларидан

иборат бўлди. Шунингдек, Ибн Сино ўқишлари доирасида қатор халқаро форумлар, анжуманлар, давра суҳбатлари, мавзули кўргазмалар ўтказилди. Жумладан, "Абу Али ибн Сино: кўлёмалар-илм-хаёт" Ўзбек-Турк илмий форуми, "Абу Али ибн Сино – хаёт фалсафаси" Ўзбекистон-Эрон илмий давра суҳбати, Халқ табobati бўйича II Халқаро илмий-амалий анжумани "Абу Али ибн Сино – саломатлик фалсафаси" конференцияси, дори-дармонлар ва биологик актив қўшимчалар кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда Туркия, АҚШ, Исроил, Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон, Хитой, Корея, Қирғизистон ва Россиядан 50 га яқин илмий мутахассислар офлайн-онлайн режимида иштирок этишди. Тожикистон ва Туркия Би-

ринчи ўзбек-турк илмий форуми ТКАнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан Туркиядан 20 нафар таниқли олим ва экспертлар, жумладан, Туркиянинг йирик университетлари ректорлари иштирокида ташкил этилди. Эроннинг Бу Али Сино фан ва маданият жамғармаси билан ҳамкорликда Эроннинг 10 га яқин таниқли олимлари иштирокида илмий давра суҳбати ташкил этилди. Аҳамиятлиси шундаки, анжуманда кўп сонли хорижий давлат вакиллари, олим, эксперт, файласуф, исломшунос, тарихчи, шарқшунос, муסיқашунос, шифокор, фармацевт, кимёгар, биолог ва табиблар иштирок этиб кун тартибидан ўрин олган долзарб мавзуларда маъруза қилдилар. Юқоридаги халқаро тадбирлар доирасида Ўзбекистондан 80 га яқин олим ва экспертлар иштирок этишди. XII Халқаро Ибн Сино ўқишлари илмий мақолаларининг махсус тўпламида чоп этилди. Ибн Сино ўқишлари доирасида хорижий институтлар билан ҳамкорлик бўйича қатор меморандумлар имзоланади. Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти талабалари томонидан "Абу Али ибн



XII ХАЛҚАРО ИБН СИНО ҲАЁТИ

БЎЛГАН ЮКСАК ЭҲТИРОМ

мамлакатимиз мутахассислари иштирок этди



батларининг қамраб олиниши ҳар бир иштирокчи учун катта мактаб бўлди, десам муболаға бўлмайди. Аҳамиятлиси шундаки, танлаб олинган маърузалар, илмий маърузалар ва маҳорат дарсларининг таъбиёт ва тиббиёт илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино ҳаёти ва фаолияти ҳамда унинг бой меросига қаратилганлиги иштирокчилар, қолаверса, хорижлик эксперт ва олимларда янада катта қизиқиш уйғотди. Албатта,

Нозимхон МАХМУДОВ,
Ибн Сино жаоат фонди бошқаруви раиси:

– Бўлиб ўтган юкори даражадаги тадбиримиздан Германия, Эрон, Исроил, Қозоғистон, Қатар, Хитой, Корея, Қувайт, Қирғизистон, Россия, АҚШ, Тожикистон, Туркия, Франция ва Япония давлатлардан ташриф буюрган эксперт олимларимиз ниҳоятда мамнун бўлишди. Улар аввало, Афшона шаҳридаги Абу Али ибн Сино ҳайкали пойига гул қўйишди ва унинг музейига ташриф буюришди, бобокалонимизнинг руҳларига атаб Қуръон тиловат қилинди. Тадбир аввалида, Эрон, Россия, Туркия ва бошқа давлатларининг олим ва экспертлари билан матбуот анжумани ўтказилди. Шунингдек, маҳаллий ва хорижлик меҳмонлар икки кун давом этган тадбирларда фаол иштирок этиб, тўртта халқаро анжуманда 77 та илмий маърузаларини тақдим этишди. Қувонарлиси шундаки, халқаро

сини, Эроннинг Абу Али Сино фан фонди ва Маданияти билан биргаликда 2024 йил Самарқандда биринчи Ўзбекистон-Эрон илмий форумини ўтказишни режалаштириб олдик. Шунингдек, АҚШ, Қирғизистон ва Россия давлатларидан ташриф буюрган вакиллар ўз юртларида Ибн Сино Жамоат фонди ваколатхонаси очиш таклифини киритдилар. Бундай эътирофга муносиб таклифлар биз учун ҳам шарафли, ҳам масъулиятлидир.

Ҳакима АМРИ,
Америка қўшма штатларининг Джорджтаун университети табиёт маркази биокимё, хужайра ва молекуляр биология кафедраси директори, профессор:

– Халқ таъбиётининг асосчиси бўлган Абу Али ибн Сино таълимоти жуда ҳурмат қиламан. Бу йўналишда унинг таълимотларига амал қилган ҳолда изланишлар олиб бордим. Бунинг бароба-

Сино – фахримиз” мавзули хеш-теглар ва флеш-моблар тайёрланди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати томонидан “Абу Али ибн Сино” хужжатли фильми намойиш этилди. Халқаро Ибн Сино ўқишлари платформаси Абу Али ибн Синонинг бой илмий ва маданий меросини янада чуқур ўрганишга замин бўлди ва халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди. Аҳамиятлиси шундаки, мазкур анжуманда ТКА билан 2024 йилда Абу Али ибн Сино қўлёзмалари ва қўлёзма нусхаларини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон олимларининг Туркияга биринчи илмий экспедициясини, Эроннинг Абу Али Сино фан фонди ва Маданияти билан биргаликда 2024 йил Самарқандда Биринчи Ўзбекистон-Эрон илмий форумига ўтказилиши режалаштирилди.

Ниҳоятда қизгин ва таассуротларга бой бўлган нуфузли тадбир иштирокчилари билан суҳбатда бўлдик.

Шухрат ТЕШАЕВ,
Бухоро давлат тиббиёт институти ректори:

– Авваломбор, кенг доирадаги бундай нуфузли тадбирларнинг буюк аллома ва мута-



факкир Абу Али ибн Синонинг ватани бўлган Бухоро шаҳрида ўтказилганлиги биз учун катта фахр бўлди. Айниқса, хорижий давлатлардан ташриф буюрган эксперт олимларининг юртимиз тиббиётининг буюк бобокалони, қолаверса, таъбиёт ва тиббиёт илмининг асосчиси бўлган Абу Али ибн Сино таълимотига бўлган юксак эҳтиромларини кўриб жуда хурсанд бўлдим. Ушбу “Абу Али ибн Сино ва цивилизация” мавзусидаги XII Халқаро Ибн Сино ўқишлари ўз доирасида халқ таъбати бўйича II Халқаро илмий-амалий анжумани, “Абу Али ибн Сино – саломатлик фалсафаси” “Абу Али ибн Сино: қўлёзмалар илм-ҳаёт” мавзусидаги ўзбек-турк илмий форуми, “Абу Али ибн Сино ва ҳаёт фалсафаси ўзбек-эрон илмий давра суҳ-



бундай нуфузли даражадаги тадбирда мамлакатимиз тиббиётини дунё узра танита олган бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг бой мероси йиллар оша ўз қимматини ошириб бораверади, деб ишонаман.

Ибн Сино ўқишлари платформаси хорижий давлат олим ва экспертлари томонидан юкори баҳоланди. Уларнинг таъкидлашича, бу Ибн Сино ўқишлари дунё миқёсида фақатгина Ўзбекистонда олиб борилаётганлиги ягона эканлигини эътироф этишди. Улар 2025 йилда ўтказиладиган мазкур Ибн Сино ўқишларида яна иштирок этиш таклифини билдиришди. Таъкидлашим муҳимки, мазкур анжуман Абу Али ибн Синонинг бой илмий ва маданий меросини янада чуқур ўрганишга катта майдон бўлди ва халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди. Фахр билан айтмоқчиманки, ушбу тадбирнинг узвий давоми сифатида ТКА билан 2024 йилда Абу Али ибн Сино қўлёзмалари ва қўлёзма нусхаларини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон олимларининг Туркияга биринчи илмий экспедиция-

рида унинг “Тиб қонунлари” асарини араб ва инглиз тилида таржима қилдим (манбалари асосида). Бугунги анжуманда ушбу китобимни муассасаларга совға қилдим. Ўтказилган ушбу кенг доирадаги тадбирларда Абу Али ибн Синонинг тиббиёт ва таъбиёт оламида олиб борган серкирра ижоди яна бир бор намойиш бўлди. Эътироф этмоқчиманки, Давлатингиз раҳбарининг буюк аллома фаолиятини янада юксалишида халқаро ҳамкорлик ришталарига эътибор қаратаётганлиги, шунингдек, бу борадаги нуфузли анжуманларга кенг йўл очаётганлигининг ўзи юртингиз тиббиётининг янада раванқ топаётганлигидан далолатдир. Анжумандан сўнг юртингиздаги Қ. Зоиров номидаги

Давоми 8-бетда ▶



◀ Давоми. Боши 1, 4-бетда

ШИФОКОРЛАРГА РАХМАТ

ДИЛ ТАШАККУРИМИЗ СИЗЛАРГА

Халқимиз “Данагидан мағзи ширин” деб бежизга айтишмаган. Оиламизда бири-бирдан ширин набираларимиз бор. Улар бизнинг ҳаётимиз, қувончимиз, келажагимиз. Агар набираларимиз бетоб бўлиб қолишса, оиламиз билан ўзимизни қўйга жой топа олмай қоламиз. Яхши ҳамки, дардларимизга дармон бўла оладиган тиббиёт ходимларининг борлиги бу бизнинг бахтимиз.

Кенжатай фарзандим Камолдиннинг икки нафар шириндан-шакар фарзандлари Муҳаммадсолиҳ ва синглиси Ойшахонлар оиламизнинг қувончи ва шодлиги. Ишдан чарчаб қайтганимизда набираларимизни бағримизга босганимизда, чарчоқларимиз бир зумда чиқиб кетади. Муҳаммадсолиҳ 4 ёшда, Ойшахон эса 1 ёшда...

“Иссиқ жоннинг иситмаси” бор деганларидек, ўзимиз ёки набираларимиз бетоб бўлиб қолишса, дарҳол худудимиздаги Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 46-сонли оилавий поликлиникасининг тиббиёт ходимларига мурожаат қиламиз. Мамнунлигимиз шундаки, ушбу шифо

Ишдан
чарчаб қайт-
ганимизда наби-
раларимизни бағри-
мизга босганимизда,
чарчоқларимиз бир
зумда чиқиб
кетади.

муассасасининг шифокору, ҳамширалари ҳамда кичик тиббиёт ходимларининг билим ва тажрибаси ҳамда илиқ муомаласи дардлардан халос бўлишимизга ёрдам беради. Айниқса, поликлиниканинг бош шифокори Сурайё Хали-

лова, оилавий шифокоримиз Зумрад Шоқосимова ва кардиолог шифокоримиз Шахноза Шукурова ва ҳамшираларнинг оиламизга кўрсатаётган сифатли тиббий хизматларидан хурсандимиз. Яқинда набираларимиз Муҳаммадсолиҳ ва Ойшахонлар қаттиқ шамоллаб қолишди. Хонадонимизга поликлиникадан чақирув қилдик ва оилавий шифокоримиз Зумрад Шоқосимова келиб, набираларимизни саломатлигини текширувдан ўтказгач, улар ўткир респиратор инфекцияси билан хасталанганлигини айтиб, зудлик билан шифохонада даволаниш учун йўланма берди. Биз тезда набираларимизни Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 4-сонли клиник шифохонага олиб бордик.

У ердаги тиббиёт ходимлари бизларни хушмуомалалик билан кутиб олишди. Дарҳол, даво муолажаларини бошлаб юборишди. Бетоб бўлиб борган набиражонларимизнинг икки-уч кун орасида соғлиқлари тикланиб, юзларида шодликлар пайдо бўлди. Уларнинг қувончи ва кайфиятларини



кўриб, биз ҳам унданда хурсанд бўлдик. Мазкур шифохонадаги тартиб интизом, соғлом муҳит ва жамоа ходимларининг илиқ муносабати бизни ниҳоятда мамнун этди. Клиниканинг бош шифокори Лола Дадажонова ва набираларимизнинг даволоччи шифокори Юлдуз Шухратовна ҳамда барча ходимларга чексиз ташаккуримизни изҳор этамиз.

**Фуратдан фойдаланиб,
яқинлашиб келаётган**

тиббиёт ходимлари кунни муносабати билан юқорида меҳнатлари эътироф этилган шифо масканларидаги тиббиёт ходимларини оиламиз номидан санимий муборакбод этамиз. Уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатлари ва эзгу фазилатлари олдида доимо таъзимдамиз.

**Исроил НАБИЕВ,
Тошкент шаҳри.**

ИБРАТ

КАСБИДАН БАХТ ТОПГАН ҲАМШИРА

Саломатлигимни тиклаш мақсадида Самарқанд вилояти Нарпай тумани тиббиёт бирлашмасининг режали жарроҳлик бўлимида даволандим.



– Опажон массаж олсангиз, кушдай енгил бўласиз. Шоҳида опага кўнгирак қилиб айтдим, – дейди шифокорим Нуриниссо Маматова. Оппоқ халати ўзига жуда ярашган кўзлари кулиб турган

ҳамшира Шоҳида Очилова палатага кириб келди. Ўн кун даволаниб соғайгач, нега ҳамширалик касбини танладингиз деганимда у отажонимни жуда яхши кўрардим. Беш-олти ёшларда бўлсам керак, ота-

жоним мени ишхонасига олиб борди. Бирин-кетин кириб келаётган беморларнинг иссиғини қон босимини ўлчаб, муолажа қилгач, тезда соғайиб қолганини кўриб, ич-ичимдан севиниб кетганман. Катта бўлсам албатта, шифокор бўлман, деб ният қилдим. Бир кун мактабдан келсам, отам оғир аҳволда ётибди. Тез тиббий ёрдам ходимлари шифохонага олиб кетишмоқчи бўлганида отажонимнинг қўлларига ёпишиб йиғлаганман. Отажон катта бўлсам шифокор бўлман. Сизни ўзим даволайман. Ҳеч қачон касал бўлмайсиз деганимда раҳмат кизалоғим иллоҳим ниятингга етгин, дея дуо қилгани ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Ўша кундан бошлаб юрагимда шифокорлик касбига бўлган қизиқиш уйғонган эди. Ўша кундан бошлаб оппоқ халат кийиш орзуси билан яшадим. Бугун ота касбини танлаб хато қилмаганимни англаб етдим. Беморлар отангизга раҳмат дейишганида фахрланиб кетаман. Ҳар кун оқ халатимни кияётганимда

отажонимни кўргандек бўлман, – дейди Шоҳидахон кўз ёшларини артиб. Ҳа албатта, отасининг дуоиси юксак чўққилар томон етаклади. Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 18-ўрта мактабни кумуш медаль билан тугатган Шоҳидахон Самарқанд тиббиёт билим юртида таҳсил олади. Ўқишни тугатиб, аввал Самарқанд вилояти Нарпай тумани тиббиёти бирлашмасининг аввало, неврология бўлимида айни кунда эса физиотерапия бўлимида ишламоқда. Шоҳиданинг отаси Ўрчин ака Ҳайдаров ўттиз йилдан кўпроқ вақт Нарпай тумани Болғали қишлоғидаги медпунктда фельдшер бўлиб хизмат қилди. Ўрчин ака аёли Зубайда ая билан беш фарзандни эл қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялади. Акбар уста, Шоҳиста ҳамшира, Фариди тикувчи, Шоҳида ҳамшира, Азиза савдо ходими бўлиб халқимизга хизмат қилиб келмоқда. Шоҳида Очилова турмуш ўртоғи Асатулло ака билан икки нафар фарзандни тарбиялаб бахтли ҳаёт кечиришмоқда. Уларнинг

фарзандлари айни кунда талабалик мақомига эга бўлиб, олийгоҳда таҳсил олишмоқда. Шоҳиданинг синф раҳбари Саодат Юлдашева билан телефонда суҳбатлашдим. Шоҳида ақлли, билимга чанқок, иқтидорли ўқувчим эди. У одоб-ахлоқи ва кийиниш маданияти билан ҳам синфдошларидан ажралиб турарди. Шоҳиданинг отаси Ўрчин ака кўплаб инсонларни даволаб олқишига сазовор бўлган. Мени ҳам икки марта ҳаётга қайтарди. Массаж инсон танасини даволаш ва касалликларни олдини олишга ёрдам беради. Шоҳидахон инсон танасидаги фаол нуқталарни яхши билгани учун ҳам беморлар тезда соғайиб кетишади.

Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда бор билим ва меҳнатини аямай хизмат қилаётган қўли енгил ҳамшира Шоҳида Очиловага узоқумр, оилавий хотиржамлик ва ишларига ривожлар тилаб қоламан.

**Сафия НАЗАРОВА,
Самарқанд вилояти.**

СИНГАПУРСКИЕ УЧЕНЫЕ РАЗРАБОТАЛИ ГЕЛЬ, КОТОРЫЙ В ТРИ РАЗА УСКОРЯЕТ ЗАЖИВЛЕНИЕ ДИАБЕТИЧЕСКИХ РАН

Исследователи из Национального университета Сингапура разработали магнитный гель для ускорения заживления диабетических ран и уменьшения числа ампутаций конечностей. Гель в сочетании с внешним магнитным устройством стимулирует клетки кожи, что, как показали лабораторные тесты, заживляет диабетические раны в три раза быстрее, чем обычные методы, и демонстрирует потенциал для лечения других сложных ран, включая ожоги.



ран у пациентов с сахарным диабетом. Новый подход не только обещает более быстрое выздоровление, но и направлен на снижение вероятности рецидива раны. Процедура применения включает в себя наложение повязки, предварительно пропитанной гидрогелем, содержащим клетки кожи для заживления и магнитные частицы. Для достижения максимальных терапевтических результатов используется беспроводное внешнее магнитное устройство, активирующее клетки кожи и ускоряющее процесс заживления ран. Продолжительность магнитной стимуляции составляет примерно один-два часа.

Лабораторные тесты показали, что лечение в сочетании с магнитной стимуляцией заживляло диабетические раны примерно в три раза быстрее, чем существующие традиционные подходы. Кроме того, хотя исследования были сосредоточены на заживлении язв диабетической стопы, технология обладает потенциалом для лечения широкого спектра тяжело поддающихся заживлению ран, таких как ожоги.

“Обычные повязки не играют активной роли в заживлении ран”, – говорит доцент Энди Тэй, возглавляющий команду, состоящую из исследователей с кафедры биомедицинской инженерии Колледжа дизайна и инженерной мысли Национального университета Сингапура, а также Института инноваций и технологий в области здравоохранения. “Они просто предотвращают ухудшение состояния раны, и пациентам необходимо назначать смену повязки каждые два-три дня. Это огромные затраты для нашей системы здравоохранения и неудобства для пациентов”. Напротив, уникаль-



ное изобретение Национального университета Сингапура использует комплексный подход “все в одном” к заживлению ран, ускоряя процесс по нескольким направлениям.

“Наша технология воздействует на множество критических факторов, связанных с диабетическими ранами, одновременно управляя повышенным уровнем глюкозы в области раны, активируя спящие клетки кожи вблизи раны, восстанавливая поврежденные кровеносные сосуды и нарушенную сосудистую сеть внутри раны”, – поясняет Тэй.

Команда исследователей описала свой инновационный препарат в статье, недавно опубликованной в научном журнале *Advanced Materials*. Исследование проводилось в сотрудничестве с учеными из Агентства по науке, технологиям и исследованиям, Наньянского технологического университета, Университета Сунь Ятсена и Уханьского технологического университета.

Клетки кожи постоянно подвергаются механическим воздействиям в результате обычной повседневной активности. Од-

нако пациентам с ранами обычно не рекомендуется выполнять интенсивные действия, такие как ходьба, поскольку это может привести к гибели оставшихся клеток, необходимых для заживления. Препарат находит уязвимое место, где применяется мягкая механическая стимуляция. В результате оставшиеся клетки кожи начинают “тренироваться” для заживления ран, но не до такой степени, чтобы это убивало их. Специально разработанный заживляющий гель содержит два типа клеток кожи – кератиноциты (необходимы для восстановления кожи) и фибробласты (для формирования соединительной ткани), а также крошечные магнитные частицы. В сочетании с динамическим магнитным полем, генерируемым внешним устройством, механическая стимуляция геля стимулирует дермальные фибробласты становиться более активными.

“Применяемый нами подход не только ускоряет заживление ран, но и снижает вероятность рецидива”, – отмечает профессор Тэй.

Медицинская газета,
№ 42, 2023.

В настоящее время более полумиллиарда человек во всем мире болеют сахарным диабетом, и ожидается, что это число значительно возрастет. Пациенты с этим эндокринным заболеванием страдают нарушением естественных процессов заживления ран, что приводит к тяжелым инфекциям и даже ампутации конечностей. Хронические диабетические раны, такие как язвы на стопах (одни из наиболее распространенных и трудно поддающихся лечению ран), стали серьезной проблемой глобального здравоохранения. Традиционные методы лечения таких ран часто оказываются не-

удовлетворительными, что приводит к рецидивам, гангренам. Каждый год во всем мире регистрируется от 9,1 до 26,1 миллиона случаев диабетической язвы стопы, и примерно у 15-25 процентов пациентов с сахарным диабетом в течение жизни развивается это серьезное осложнение. В Сингапуре один из самых высоких в мире показателей ампутации нижних конечностей из-за диабета, в среднем около четырех в день.

Группа ученых из Национального университета Сингапура разработала инновационный магнитный гель, предназначенный для ускорения заживления

ВРАЧ СОВЕТУЕТ

САМЫЕ ОПАСНЫЕ ПРОДУКТЫ ДЛЯ ПОДЖЕЛУДОЧНОЙ

Врач-эндокринолог Екатерина Янг объяснила, какие ошибки в питании при малоподвижном образе жизни блокируют нормальную работу внутренних органов.

Наиболее опасны фаст-фуд, жареная, копченая еда, а также присутствие в большом количестве в рационе простых углеводов и рафинированных продуктов на фоне дефицита клетчатки. Такая еда провоцирует накопление висцерального жира вокруг почек, печени и поджелудочной железы. В результате в организме ломается все.

Врачи предупреждают, что сбой в работе поджелудочной

железы может привести не только к панкреатиту и другим заболеваниям ЖКТ, но и к сахарному диабету. Если после приема пищи вы ощущаете тяжесть, дискомфорт или даже боли, следует как можно быстрее обратиться к специалисту.

Спровоцированные неправильным питанием жировые прослойки в организме “буквально “обездвиживают” желчный пузырь, вызывая его нерегулярное сокращение, также




пишет Екатерина Янг в своем Telegram-канале. “В результате желчный не может нормально опорожниться и возникает застой”, – подчеркнула специалист.

Гастроэнтеролог Диляра

Лебедева, в свою очередь, объяснила, почему не стоит сочетать жирное, острое и алкоголь. По словам врача, если человек не намерен всю жизнь лечить хронический панкреатит, не надо сочетать алкоголь, пель-

РАЗРУШАЕТ ПОДЖЕЛУДОК



мени, острую горчицу или уксус.

“Сюда же можно отнести сочетание шашлыка с острым соусом и алкоголем или пищу пепперони и пиво”, – добавила Лебедева.

Оксана ГРИБАНОВА.

XII ХАЛҚАРО ИБН СИНО ҲАММАСИ

БҮЮК АЛЛОМА МЕРОСИГА БЎЛГАН ЮКСАК ЭҲТИРОМ



дай юртда таваллуд топган Абу Али ибн Сино катта тиббиёт мактабини яратган экан, ишончим комил, мамлакатингизда тиббиётнинг дунёхамжамиятидаги ўрни янада юксалиб бораверади. Барча ташкилотчиларга ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни изхор этаман.

Эсра ХАТИПОҒЛУ,
Туркия давлатининг
Баҳчешехир универ-
ситети ректори:

роитлар билан танишар эканман, назаримда бундай олий таълим муассасалари ягона ҳисобланади. Бугун биз анжуман давомида юртингиз мутахассислари билан халқ таълимни кенг йўлга қўйишни мақсад қилиб олдик. Бундай конференциялар тиббиёт илмининг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этиши табиий. Фахр билан айтмоқчиманки, тиб илмининг буюк султони Абу Али ибн Си-

но юртида унинг муносиб давомчилари таълим олаётганлиги ва етишиб чиқаётганлиги таҳсинга лойиқдир.

Мукаррам АЙДАШЕВА,
Қ. Зоиров номидаги
Ўзбекистон соғлиқни
сақлаш музейи директори:

– Менинг кенг доирадаги бундай анжуманларда илк бор иштирок этишим. Мамнуният билан айтмоқчиманки, бу каби юқори даражадаги тадбирда “Музей – ёшларни тарбиялаш, Абу Али ибн Сино меросини тарғиб этиш услуги” мавзусидаги маъруза билан чиқишим фаолиятим учун катта мактаб бўлди, десам хато бўлмайди. Илмий маърузаларни тинглар эканман, Абу Али ибн Сино тўғрисида янада чуқур маълумотларга эга бўлдим. Айниқса, Америка қўшма штатларининг Джорджтаун университети тиббиёт маркази биокимё, ҳужайра ва молекуляр биология кафедраси директори, профессори Ҳакима Амрининг музейимизга ташрифидан хурсанд бўлдим. У ўзининг Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарининг инглиз тилидаги китобини музейимизга совға қилди. Ушбу конференциядан олган маълумотларим бўйича музейимизда янгича ғоялар асосида иш олиб бориш режасини олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш музейига ташриф буюрдим. У ердаги Ибн Сино залларидан тортиб, мавжуд экспонатлар билан танишиб чиқдим. Менга бу музей жуда ёқди ва раҳбариятга Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” асарини инглиз тилида таржима қилинган китобимни совға сифатида тақдим этдим. Мен Ўзбекистон халқининг меҳрибон ва самимийлигини ҳурмат қиламан. Фурсатдан фойдаланиб, барча ташкилотчиларга ўз ташаккуримни изхор этаман.

Абдулхусайн ХУСРОВПАНОХ Эрон маданий инқилоб олий кенгаши котиби,
Ғиёсиддин ТОҒАМУҲАММАДИЙ Эрон Ибн Сино илмий-маданий фонди раиси:

– Авваломбор, юртингизга ташриф айлашимизнинг сабабчиси, қолаверса мамлакатингиз фахри бўлган таълим ва тиббиёт илмининг буюк алломи Абу Али ибн Синога нисбатан ҳурматимиз ниҳоятда баланд. Даставвал, буюк мутафаккир таваллуд топган Афшона шаҳридаги Абу Али ибн Сино хайкали пойига гуллар қўйдик ва музейига ташриф буюрдик. Икки кун давомида кун тартибидан ўрин олган тадбирларда ўз чиқишларимиз билан иштирок этдик. Шунингдек, “Абу Али ибн Сино ва ҳаёт фалсафаси” Ўзбек-Эрон илмий давра суҳбатини олиб бордик. Давра суҳбати давомида 14 тадан ортиқ илмий маърузалар тақдим этилди. Айниқса, Абу Али ибн Синонинг бой мерослари бутун дунё ҳамжамиятидан ўрин олганлиги бу Ўзбекистон давлатининг катта фахри эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Ана шундай нуфузли тадбирларда

← Давоми. Боши 1, 4-5-бетларда



иштирок этганлигимиздан ғоят хурсандимиз. Анжуман сўнггида 2024 йил Самарқандда биринчи Ўзбекистон-Эрон илмий форумини ўтказишни режалаштириб олдик. Ишонамизки, бундай ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланиб, Абу Али ибн Синонинг таълим ва тиббиёт оламидаги таълимоти ҳар бир давлат учун бебаҳо меросга айланиб бораверади.

Светлана НЕСТЕРОВА
Россия аънавий тиббиёт академиясининг ректори:

– Серкуёш Ўзбекистонингизга ташриф буюганимдан ғоят хурсанд бўлдим. Албатта, бундай юқори савиядаги анжуманларда иштирок этишимни ўзи мен учун катта фахр. Айниқса, тадбир кун тартибидан ўрин олган илмий маърузаларни тинглар эканман, тиб илмининг султони бўлган Абу Али ибн Синонинг кўп қиррали истеъдод эгаси эканлигига янада амин бўлдим. Иштирокчиларнинг ҳар бир чиқишларидаги мавзулар хилма-хиллиги билан ажралиб турди. Шунингдек, буюк аллома ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб намойиш этилган видеороликлар ҳам диққатимни ўзига тортиди. Янгидан бунёд этилган Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бўлар эканмиз, у ердаги талабалар учун яратилган шароитлар замонавийлиги билан ажралиб турибди. Шун-



– Мени ушбу анжуманга таклиф этганларидан ғоят хурсандман. Мамлакатингизга Президентингиз томонидан тиббиётга бўлган эътибор юқори эканлигини кўрдим. Албатта, ташрифимиз чоғида замон талабларига жавоб бера оладиган Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт институтидаги ша-

Анжуман иштирокчилари ўз фикрларига яқун ясар экан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Фармацевтика саноатини ривожлантириш агентлиги, Абу Али ибн Сино Бухоро давлат тиббиёт институти Ибн Сино жамоат фонди ҳамда барча ташкилотчиларга миннатдорликларини изхор этишди. Албатта, бу каби кенг доирадаги тадбирлар ижобий натижасини беришга ишончимиз комил.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилими: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.

Адади - 686 дона.
Буюртма рақами Г-1135.

Босмахонага топширилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топширилди 20-00.